



195

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулбад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

Ушбу қ. «10» декабр

№ 1599-К

“Ахадова Нилуфар Тошмукумовнага “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Найзатеппа” маҳалласидаги мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи бино иншоотлари жойлашган худудидан спорт зали, савдо ва маиший хизмат шахобчаси қуришга рухсат бериш тўғрисида”

“Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қўлба” маҳалласида яшовчи фуқаро Ахадова Нилуфар Тошмукумовна туман ҳокими номига 2015 йил 13 августдаги 5468 сон билан қайд этилган олди сотди шартномаси асосида сотиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехи худудидан спорт зали, савдо ва маиший хизмат шахобчаси қуришга рухсат беришни сўраб ёзган аризаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертиза хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20 моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қўлба” маҳалласида яшовчи фуқаро Ахадова Нилуфар Тошмукумовнага “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Найзатеппа” маҳалласи худудидан ўзига тегишли ер майдони ҳисобидан спорт зали, савдо ва маиший хизмат шахобчаси қуришга рухсат бериш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Ахадова Нилуфар Тошмукумовнага спорт зали, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров